

Ўзбекистон Республикаси номидан Ҳ У К М

2023 йил август ойининг 22 куни, жиноят ишлари бўйича Қизириқ туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, видеоконференцалоқа режимида, раислик қилувчи туман судининг раиси О.К., судья ёрдамчиси Х.А.нинг котиблигида, томонлардан Қизириқ туман прокурорининг катта ёрдамчиси лавозимида иш ўрганувчи С.Н., судланувчи Ф.Ш. ва унинг ҳимоячиси адвокат Л.А., жабрланувчи А.А.нинг иштирокида, судланувчи Ф.Ш.га оид 1-1907-2301/62-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Ш.Ф.И. /Sh. F. I./, 1988 йил 1 апрелда Денов туманида туғилган, Ўзбекистон фуқароси, миллати ўзбек, маълумоти ўрта, оилали, 3 нафар фарзанди бор, ёлланма ишчи, Денов тумани, “Чағаниён” маҳалласи, Бунёдкор кўчаси, 9-уйда яшайди, иш бўйича “Муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

Ш.Ф., 2023 йил 27 февраль куни соат 14:00 ларда жамоат жойи ҳисобланган, Денов туман “Чағаниён” маҳалласи ички йўлида ўзига илгаридан таниш бўлмаган Денов тумани, “Озод” маҳалласида яшовчи фуқаро А.А. ўзига тегишли “Жентра” русумли автомашинасида Э.Л. билан ўтирган вақтида А.А.нинг ёнига бориб, ўзаро гап тортишиб қолиб, ўзининг ҳаракатлари билан жамиятда юриш туриш қоидаларини бузаётганлигини англаб етган ҳолда, қўлининг мушти билан А.А.нинг бошининг чап ёноқ ва чап кўз соҳасига уриб, унга соғлиғининг бузилишига сабабчи бўлган енгил тан жароҳати етказишган.

РСТЭИАМ Сурхондарё филиали Денов пунктининг 2023 йил 13 мартдаги 259-сонли хулосасига кўра, А.А.нинг баданида яъни, чап кўзининг юқори қовоқ соҳасида қонталаши, чап кўз склераси ташқи томонида тарқоқ қон қуйилиши, бурун юқори ички томони шилинмаси, чап кўз пастки қовоқ ўрта қисмида жароҳати (шилинмаси) бош мия ёпиқ жароҳати, бош мия чайқалиши, бошнинг пешона чап кўз қовоқлари чап ёноқ соҳаси юмшоқ тўқималари эзилиши, қон талаши кўкариши, чап кўз склерасига қон қуйилиш, бурун суяги синиб силжиши каби тан



жароҳатлари оғирлик даражаси бўйича “Соғлиғининг бузилишига сабабчи бўлган енгил тан жароҳати” деб баҳоланиши қайд этилган.

Судланувчи Ш.Ф. судда, 2023 йил 27 февраль куни соат 14:00 ларда яшаш уйидан қариндоши Ж.И. билан биргаликда кўчага чиққанлиги, Ж.И. итини тасмага боғлаб сайр қилдириш учун етаклаб чиққанлиги, йўлда боши берк кўчада “Жентра” русумли автомашина турганлигини кўрганлиги, автомашинага разм солиб, автомашина ҳайдовчиси кейинчалик билишича А.А. қўлини орқа ўриндикда ўтирган аёлга чўзиб турганлиги, автомашина орқа ўриндиғида ўтирган аёл кейинчалик билишича Э.Л. ҳам ҳайдовчи томонга эгилиб турганлигини кўрганлиги, Э.Л. ўзи уларни кузатаётганлигини сезиб қолиб, автомашина ўриндиғи орқасига яширинганлиги, бундан шубҳаланиб, Ш.Ф.нинг олдига бориб, бу ер уйининг олди эканлиги, оила-аъзолари ва фарзандлари кўчадан ўтиб қайтиши мумкинлигини айтиб, уларга бу ердан кетишни талаб қилганлиги, А.А. автомашинадан тушиб, ўзи ҳеч қаерга кетмаслигини айтиб, тортишиб ўзи билан ёқалашиб ҳақорат қилганлиги, бунга жавобан ўзи ҳам уни ҳақорат қилганлиги, А.А. ўзини урмоқчи бўлганлиги, Э.Л. автомашинадан тушиб А.А.ни тинчлантиришга ҳаракат қилганлиги, Ж.И. ҳам уларни ажратмоқчи бўлганлиги, жанжал давомида ўзи А.А.нинг юзига бир мушт урганлиги, зарбдан А.А. ўтириб қолганлиги, кейин ўзи Ж.И. билан бирга у ердан узоқлашганлиги, уйи олдидаги автомашиналарга газ қуйиш шохобчасига олдига етганида, орқасидан А.А. автомашинасида қувиб келиб, олдини тўсиб ўзи билан яна жанжал қилмоқчи бўлганлиги, бир-бирлари билан ёқама-ёқа бўлганлиги, уларни яна Э.Л. ва Ж.И. ажратганлиги, шундан кейин уйга кетганлиги, А.А.ни шу кунга қадар танимаганлиги, у билан низоси бўлмаганлиги, Ж.И. жанжалга аралашмаганлиги, у А.А.ни урмаганлиги, Ж.И.нинг ити А.А.га ҳужум қилмаганлиги, А.А.ни урганида қўлидан ҳеч нарса бўлмаганлиги, ўзи кўчага шунчаки айланиш учун чиққанлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, ўзи А.А.дан кечирим сўраб у билан ярашмоқчи бўлганлиги, бироқ у кўнмаганлиги, ўзига енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Жабрланувчи А.А. судда, 2023 йил 27 февраль куни ўз ишлари билан юрганида қариндоши Э.Л. кўнғироқ қилиб Термиз шаҳридан сумалак қилиб қайтиб келаётганлиги, йўлкираси етмай қолганлигини айтиб кутиб олишни илтимос қилганлиги, ўзи рози бўлиб, уни “Жентра” русумли автомашинасида кутиб олганлиги, у Шўрчи туманига кетиши, уни йўлгача олиб кетишни сўраганлиги, ўзи Чағаниён маҳалласига келганида, ўзига таниши кўнғироқ қилиб қолганлиги ҳамда шу ердаги дўконга маҳсулот етказиб бериш учун автомашинасини маҳалла ички кўчасига 10 метр ҳайдаб кириб тўхтатганлиги, бироздан сўнг автомашинаси олдида кейин билишича Ш.Ф. ва Ж.И.лар келиб, ўзига “автомашинани нимага бу ерда тўхтадинг?” деб ҳеч бир сабабсиз ўзини ҳақорат қилишганлиги, ўзи уларга нима сабабдан ўзига эътироз билдираётганлиги сўраганида улар, маҳалла уларга тегишли эканлигини айтиб, автомашинадан тушишни талаб



қилишгани, ўзи автомашинадан тушганидан сўнг Ш.Ф. ва Ж.И. ўзини уриб дўппослаб кетганлиги, ўзи автомашинасига ўтириб, шу ердаги автомашиналарга газ қуйиш шохобчаси ёнига бориб тўхтаганлиги, Ш.Ф. ва Ж.И. орқасидан етиб келиб, иккаласи ўзини уриб ҳақорат қила бошлаганлиги, ўзини ҳимоя қилаётганда Ж.И. итига ўзини тишлатмоқчи бўлганлиги, жанжал вақти Ш.Ф. қўлидаги темир бўлаги билан юзига урганлиги, ўзи хушидан кетганлиги, ўзига келганидан сўнг ҳам Ш.Ф. ва Ж.И. ўзини ҳақорат қилишни давом эттирганлиги, кейин ўзи автомашинасини бир амаллаб бошқариб шифохонага борганлиги, 10 кун касалхонада даволанганлиги, лекин даволанганлиги учун кетган сарф харажатлар ҳақида маълумотни тақдим қила олмаслиги, ўзини фақат Ш.Ф. эмас Ж.И. ҳам урганлиги, уларга нисбатан қонуний чора кўришни сўраб кўрсатув берди.

Гувоҳ Э.Л. судда, 2023 йил 27 февраль куни Термиз шаҳридан қайтиб келаётганда йўлкираси кам бўлганлиги сабабли қариндоши А.А.га кўнғироқ қилиб, сумалак олиб келаётганлиги, ўзини кутиб олса унга ҳам сумалак бериб ўтишини айтиб, ундан йўлкирага пул сўраганлиги, А.А. уни кутиб олиб йўлкирага пул берганлиги, кейин ўзи Шўрчи туманига кетаётганлигини эшитиб, ўзини йўлгача олиб кетишини айтганлиги, А.А.нинг автомашинасининг орқа ўриндиғида А.А. билан Денов тумани “Чағаниён” маҳалласида кетаётганда А.А.га мижозлари кўнғироқ қилганлиги, у гаплашиш учун маҳалланинг ички кўчасига бироз кириб, телефонда суҳбатлашганлиги, ўзи шу вақтда машина ичида энкайиб идишга сумалак солаётганлиги, бошини кўтариб қараганида автомашина олдида кейин билишича Ш.Ф. ва Ж.И.лар келганлиги, Ж.И. қўлидаги тасмада катта ит боғланиб турганлиги, Ш.Ф. ва Ж.И.лар ҳеч бир сабабсиз А.А.ни ҳақорат қила бошлаганлиги, кейин улар А.А.ни автомашинадан тушириб олиб, уни уриб дўппослаб бошлаганлиги, ўзи уларни ажратишга ҳаракат қилганлиги, Ш.Ф. ва Ж.И.лар А.А.ни уриб тепганлиги, жанжалда Ш.Ф. А.А.нинг чап томон кўз ва ёноқ соҳасига қўлида бўлган қаттиқ жисм билан бир маротаба урганлиги, улар воқеа жойидан кетиб автомашинага газ қуйиш шохобчасига олдида боришганида, Ш.Ф. ва Ж.И.лар келиб яна А.А.ни урганлиги, ўзи уларни ажратганлиги, кейин А.А. автомашинасини бир амаллаб бошқариб шифохонага кетганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ Ж.И. судда, 2023 йил 27 февраль куни амакиси Ш.Ф.нинг яшаш хонадонига борганлиги, кучугини ўзи билан биргаликда тасмага боғлаб сайр қилдириш мақсадида олиб чиққанлиги, Ш.Ф. билан сайр қилиш учун кўчага чиққанлиги, Ш.Ф.нинг уйининг олдидаги бир томони берк кўчанинг четида “Жентра” русумли автомашина тўхтаб турганлигини кўрганлиги, “Жентра” русумли автомашинанинг орқа ўриндиғида ўтирган кейинчалик билишича Э.Л. уларни кўриб ўриндиқ орқасига яширинганлиги, бу ҳолат Ш.Ф.га шубҳали кўриниб, автомашина ҳайдовчиси кейин билишича А.А.нинг олдида бориб нима мақсадда турганлигини сўраганлиги, А.А. “почта кутиб турибман” деб жавоб



берганлиги, А.А. унга кўча жамоат жойи эканлиги, кўчадан оила-аъзолари ҳамда болалар ўтиши мумкинлиги, аёл билан муносабатини бошқа жойда қилишини тушунтирганлиги, бунга жавобан А.А. автомашинадан тушиб Ш.Ф. ва ўзини ҳақорат қилганлиги, Ш.Ф. иккаласи тортишганлиги, ўзи уларни ажратганлиги, сўнг А.А. яна қайтиб Ш.Ф.ни ёқасидан ушлаб ёқалашиб кетганлиги, Ш.Ф. ўзини ҳимоя қилиш учун А.А.ни бир марта юз қисмига қўлининг мушти билан урганлиги, зарбдан А.А. ўтириб қолганлиги, шундан кейин ўзи Ш.Ф.ни уйига олиб кетганлиги, ўзи А.А.ни урмаганлиги, ўзи уларни ажратганлиги, Ш.Ф.ни қўлида А.А.ни урган ҳеч нарса бўлмаганлиги, кучуги хали кичкина бўлиб, ҳеч кимга хужум қилмаганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ И.Н. судда, ўзи Денов тумани “Чағаниён” маҳалласи ёнида жойлашган автомобилларга ёқилғи қуйиш шаҳобчасининг ёнидаги савдо дўконида сотувчи бўлиб ишлаши 2023 йил 27 февраль куни соат 14:00 ларда ўзининг ишларини қилаётганда маҳалладоши Ж.И. қўлига ит етаклаб олган ҳолда, Ш.Ф. билан биргаликда маҳалланинг кўчасидан биргаликда чиқиб келганлиги, уларнинг ортидан “Жентра” русумли автомашина келиб уларнинг йўлини тўсганлиги, автомашинадан 30-35 ёшлардаги гавдали эркак киши тушиб Ш.Ф. ва Ж.И.ларнинг олдига келиб, Ш.Ф.га бақир-чақир қилганлиги, Ш.Ф., унга “кет йўқол энди” деб бақирганлиги, улар тортишиб бир бири билан ёқалашганида Ж.И. уларнинг ўртасига тушиб ажратганлиги, автомашинадан ёши 25-30 ёшлардаги аёл киши ҳам тушиб келиб, автомашинанинг ҳайдовчисини автомашинага қайтариб ўтирғизганлиги, Ж.И. жанжалга аралашмаганлиги, уларни ажратганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ А.Т. судда, Ш.Ф. ва Ж.И.ларни таниши, ўзи Денов тумани “Чағаниён” маҳалласида жойлашган автомобиль ювиш шаҳобчасида иш бошқарувчи вазифасида ишлаши, 2023 йил 27 февраль куни соат 14:00 ларда иш жойи олдидаги автомашиналарга газ қуйиш шаҳобчаси олдида, Ш.Ф. ва Ж.И.лар келаётганлигини кўрганлиги, Ж.И. қўлида ипга боғланган кучукни етаклаб келаётганлиги, шу вақт уларнинг орқасидан “Жентра” русумли автомашинада кейин билишича А.А. келиб, уларнинг йўлини тўсиб, автомаишнадан тушиб, Ш.Ф. билан тортишиб кетганлиги, Ш.Ф. унга “кет, йўқол” деб бақирганлиги, улар ёқалашиб кетганлиги, Ж.И. уларни ажратганлиги, Ш.Ф. А.А.ни қаерига урганлигини кўрмаганлиги, ўзи фақат А.А.ни йиқилганлигини кўрганлиги, Ж.И. ҳеч кимни урмаганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ П.Х. судда, гувоҳ А.Т.нинг кўрсатувларига ўхшаш мазмунда кўрсатув берди.

Суд, давлат айбловчиси ва ҳимоячининг фикрини, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини эшитиб, шунингдек, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, судланувчи Ш.Ф.нинг жиноят содир этганликдаги айби унинг ўзини айбига иқрорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, Денов туман Марказий касалхонасининг



хабарномаси, ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомаси, чизма ва фотосуратлар, дастлабки тушунтириш хатлар, суд-тиббий экспертизасининг хулосаси, жабрланувчи А.А., гувоҳлар Ж.И., Э.Л., А.Т., П.Х., И.Н.ларнинг тергов ва суддаги кўрсатувлари, юзлаштириш баённомаси ҳамда ишда тўпланган бошқа далиллар билан тўлиқ ўз тасдиғини топди деб ҳисоблайди.

Жумладан, суд-тиббий экспертиза хулосасида А.А.нинг тан жароҳатлари оғирлик даражаси бўйича “Соғлиғининг бузилишига сабабчи бўлган енгил тан жароҳати” деб баҳоланиши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 60-моддасига мувофиқ, фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги “Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида” ги 9-сонли қарорининг 1, 3-бандларига кўра, безорилик жамоат тартибига қарши қаратилган жиноят бўлиб, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасликда ифодаланган ҳаракатлар шахсни уриш-дўппослаш, унга енгил тан жароҳати етказиш ёки ўзганинг мулкига анча миқдорда шикаст етказиш ёхуд уни анча миқдорда нобуд қилиш билан боғлиқ ҳолда содир этилади.

Жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик деганда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, одоб ва ахлоқ нормалари, урф-одат, анъаналар билан белгиланган жамоат тартибини (одамлараро муносабатлар, юриш-туриш қоидалари, шаклланган ижтимоий турмуш тарзини) қўпол тарзда бузиш тушунилади.

Қонун мазмунига кўра айбдор ўзининг ҳаракатлари билан жамоат тартибини бузаётганлигини англаши лозим. Бунда мазкур хатти-ҳаракатлар билан жамоат тартибини бузиш ўртасида сабабий боғланиш бўлиши шарт.

Шунга кўра суд, судланувчи Ш.Ф.нинг жиноий қилмишини квалификация масаласини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан унинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Чунки, у кўчада, яъни жамоат жойида жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан, жамоат тартиби ва фуқароларнинг тинчлигини бузган ҳолда безорилик қилиб, А.А.ни уриб-дўппослаб, унга тан жароҳати етказган.

Гарчи, жабрланувчи А.А. судда, уни фақат судланувчи Ш.Ф. эмас унинг шериги Ж.И. ҳам уриб тан жароҳати етказганлиги ҳақида кўрсатув берган бўлсада, унинг бу кўрсатувлари судланувчи Ш.Ф., гувоҳлар Ж.И., А.Т., П.Х. ва И.Н.нинг кўрсатувлари билан рад қилинади.

Дастлабки тергов органи А.А.нинг ҳаракатларида жиноят аломатлари йўқлиги ҳақида қарор қабул қилиб, тўғри хулосага келган.



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланиши кераклиги;

8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги;

ушбу Кодекснинг 54-моддаси 2-қисмида, суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши лозимлиги қайд қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида” ги қарорининг 3-бандида, Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи Ш.Ф.нинг айбига иқрорлиги ва қилмишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, унинг ҳаракатларида жазосини оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқ деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Ш.Ф.га жазо тури ва миқдорини белгилашда унинг жазосини енгиллаштирувчи барча ҳолатларни ҳисобга олиш билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида” ги Қарорининг 1-бандида судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши лозимлиги белгиланганлигини инобатга олиб, шунингдек, жабрланувчининг унга нисбатан даъвоси борлиги ва моддий зарарлар қопланмаганлиги ҳолатига эътибор қаратиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 1-қисми санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш иши жазоси тайинлашни ҳамда унга қўлланилган муносиб-хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилишни лозим топади.

Шунингдек, суд Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2016 йил 27 декабрдаги “Жиноят натижасида етказилган мулкӣ зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида” ги 26-сонли Қарорининг 3-бандига мувофиқ, жабрланувчи А.А.га жиноят оқибатида етказилган моддий ва маънавий зарарларини ундириш масаласида



фуқаролик тартибда судга мурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтиришни лозим деб топади.

Бинобарин, юқорида баён қилинганларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463, 465-468, 471-473-моддаларини қўллаб, суд

ҲУКМ ҚИЛДИ:

Ш.Ф.И. /Sh. F. I./ Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят содир қилганликда абли деб топилсин.

Ш.Ф.И. га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг 15 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 /икки/ йил аҳлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ҳукм ижросини назорат қилиш Денов туман ИИО ФМБ раҳбариятига юклатилсин.

Жазо, мазкур жазони ижро этувчи орган томонидан белгилаб берадиган жойларда ўтаттирилсин.

Жазони ўташ Ш.Ф.И. корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ш.Ф.И.га нисбатан қўлланилган “Муносиб ҳулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Жабрланувчи А.А. С.га жиноят оқибатида етказилган моддий ва маънавий зарарларни судланувчидан ундириш юзасидан фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқи борлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб йигирма сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини қўлга олган кундан бошлаб шу муддатда туман суди орқали Сурхондарё вилоят судига апелляция тартибида шикоят, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик қилувчи

имзо

О.К.

Аслига тўғри

О.К.

